

2-1-2019

THE IMPORTANCE OF DETERMINING PURPOSE AND SPHERE OF AUDIT AND THE ROLE OF INTERNAL AUDIT IN MENEAGMENT

A. Tychiyev
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Tychiyev, A. (2019) "THE IMPORTANCE OF DETERMINING PURPOSE AND SPHERE OF AUDIT AND THE ROLE OF INTERNAL AUDIT IN MENEAGMENT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 22.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Туйчиев А.Ж. – ТМИ,
кафедра мудири, и.ф.д.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ МАҚСАДИ, ҚАМРАБ ОЛГАН КЎЛАМИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА БОШҚАРУВДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мақолада аудиторлик текширувини режалаштиришдаги қадам, аудит ўтказилишининг мақсади ва соҳа доирасини, яъни текширув олиб бориладиган жабҳаларини аниқлаш ва бунда ички аудитнинг тутган ўрни, ички аудитнинг бошқа жабҳалардаги ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: Аудит, аудиторлик текшируви, ички аудит, аудиторлик текширувининг мақсади, аудиторлик текширувининг моҳияти, ички аудит стандартлари, ички аудит ишчи стандартлари.

В статье излагаются вопросы определение цели и сфера охвата аудиторской проверке, важности шага в аудиторской планировании, в том числе место внутреннего аудита в нем, особенности проведения внутреннего аудита в отдельных разделах учета.

Ключевые слова: Аудит, аудиторская проверка, внутренний аудит, цель аудиторской проверке, сущность аудиторской проверке, стандарты аудита, рабочий стандарты внутреннего аудита.

The article outlines the issues of defining the purpose and scope of the audit, the importance of steps in audit planning, including the place of internal audit in it, the specifics of conducting internal audit in separate sections of accounting.

Key words: Audit, audit, internal audit, the purpose of auditing, the essence of the audit, audit standards, working standards of internal audit.

Ҳар битта мамлакат ва соҳаларнинг ривожланиши учун асосий мезонлардан бири бўлиб, шу даврдаги тараққиёт босқичига қадам қўйган ёхуд иқтисоди тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан андоза олиш ҳисобланади, масалан биронта давлатда ихтиро қилинган ва инсон манфаати учун қулай бўлган истеъмол моллари бўладими, техника воситалари бўладими уни қайтатдан ихтиро қилгандан кўра унинг технологиясини мамлакатимизга олиб келиб шу маҳсулотни ишлаб чиқариб сотиш кўпроқ наф келтиради.

Республикамизда кўплаб эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши чет эл инвесторларининг мамлакатимиз иқтисодига қизиқишини кундан-кунга ортишига замин яратади десак муболаға қилмаган бўламиз. Бу жараёнлар, молиявий ҳисоб ва ҳисоботни ҳамда аудитни халқаро стандартлар ва меъёрлар

асосида ташкил этилиши шартлигини бизга вазифа сифатида даврнинг ўзи белгилаб қўяди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, аудиторлик текширувининг мақсади ва қамраб олган қўламига аниқлик киритиш бўйича [орижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда қуйида тақдим этилаётган илмий мақола Сизларда қизиқиш уйғотади деган умиддамиз.

Аудиторлик текширувини режалаштиришда биринчи муҳим кадам бўлиб, аудит ўтказилишининг мақсади(текширув ўтказилишининг мақсади) ва соҳа доирасини, яъни текширув олиб бориладиган жабҳаларини аниқлаш ҳисобланади.

Аудиторлик текширувининг муҳим бирламчи аҳамиятли томонларидан бири унинг тамойиллар (режалаштириш, ҳисоб-китоблар, ҳисобот бериш ва мувофиқлик) асосида ўтказилишидир. Яъни текширилаётган корхонанинг самарадорлиги ушбу корхона молиявий ҳисоботларининг самарадорлиги асосида ўлчанади. Шу билан бирга корхона ички аудити томонидан ўтказилган текширув натижалари ҳам алоҳида муҳим манбадир. Ички аудит ўтказилиши корхона бошқарув органи қарорига асосан белгиланади ва ушбу текширув корхонанинг алоҳида бир бўлимини текширади ёки айнан бир ҳолат бўйича умумий хулосага тўхталади.

Аудиторлик текширувининг кейинги муҳим жиҳати, бу, текширув давомида белгиланган “чегара”лардир. Яъни, агар аудиторлик текшируви бу алоҳида жараён бўлса, унда аудитор ушбу жараённи қачон тугаб, қачон бошланишини билиши зарур. Аудиторлик текшируви алоҳида жараён экан демак, текширув ўтказиладиган корхона текширув ўтказилиш соҳасини алоҳида кўрсатиши, яъни аудит ишлаб чиқариш жараёнидами ёки корхонанинг бирор молиявий ҳолат натижаларини аниқлаши зарурлигини жараён бошланиши биланоқ белгилаб беради.

Аудитни мақсад ва баёотларини ўз ичига олган ҳолда тушуниш. Аудиторлик текширувини, аудитнинг ўз олдига қўйган мақсадларининг моҳиятини тўлиқ тушунмасдан самарали ўтказишнинг иложи йўқ. Ҳар қандай текширувнинг муваффақиятли ўтказилиши ички аудит жамоаси ҳар йили бир марта ўтказиладиган ташқи аудитнинг мақсадини қанчалик яхши тушунишига боғлиқ. Яъни ички аудит биринчи навбатда ташқи аудитнинг мақсад ва баёотларини билиб олиши зарур. Мақсад шуки, ташқи аудитор томонидан текшириш жараёнида топишга интиладиган хато ва нуқсонларни олдиндан билиб, аниқлаб, улар устида амалий ишлар олиб бориб бартараф этиш ички аудитнинг афзал жиҳати ҳисобланади. Баёотлар эса бу корхона эришган сўнгги кўрсаткичлардир. Афсуски, хўжалик жараёнларини ташкиллаштиришда, уни

бошқаришда мақсад ва кўрсаткичлар қанчалик аниқ бўлишига қарамай иккиланишлар бўлиб туради.

Юқорида айтиб ўтилганидек аудиторлик текшируви алоҳида бир тадбиркорлик жараёнидир. Шунга қарамай ички аудит жамоаси куйидагиларни тушуниб олиши керак:

1. Белгиланган мақсадга эришиш учун бошқарув ҳисобида актив ва мажбуриятларнинг ҳаракати қай тарзда белгиланганлигини;
2. Ҳар бир жараён учун таҳдид соладиган рисклар мавжудлигини;
3. Ушбу рискларни хатарини камайтириш учун ишлаб чиқилган ва ўрганилган бошқарув қарорларини;
4. Содир бўладиган ҳар бир жараёнлар бир бирига боғлиқлигини;
5. Ҳар бир жараён асосида эришилган натижа(яъни товар ва хизмат)ларнинг хусусиятларини;
6. Жараёнларнинг ишлаб чиқариш натижалари билан боғлиқлигини;
7. Барча ходимлар уларга ишониб топширилган вазифаларни берилган ваколат доирасида ва жавобгарликни ҳис қилган ҳолда амалга ошириши тартибини;
8. Жараёнда ишлатиладиган моддий ресурсларни;
9. Жараёнга таъсир қилган, ҳозир таъсир қилаётган ва келгусида таъсир қиладиган ҳар қандай янги ўзгаришларни тушуниб олиши керак. Эътиборли томони шундаки, жиддий ўзгаришлар жараёнга хатар солади, яъни унинг жорий ҳолати ва бошқарувининг самарадорлигига таъсир қилади.

Аудиторлик ташкилотининг хизмат кўрсатиш жараёни.

Корхоналарга ички аудит масалалари бўйича маслаҳат бериш аудиторлик текшируви мажбуриятдан фарқ қилади, яъни:

Агар аудиторлик текширувининг моҳияти ва кўлами ички аудит вазифалари билан аниқланса, хизмат кўрсатишнинг мажбурияти, моҳияти ва кўлами миждозлар билан келишиб олинади.

Хизмат кўрсатиш мажбуриятлари аудиторлик текширувининг мажбуриятларига қараганда камроқ ва ўз навбатида ихтиёрийдир. Консалтинг хизматлари "маслаҳат, маслаҳат бериш, кўмаклашиш ва таълим" деган маъноларда ишлатилади.

Маслаҳат бериш хизмати жараёни аудиторлик текшируви жараёни билан бир хил босқичларни ўз ичига олади.

Бироқ, ҳар бир ушбу хизматни кўрсатаётган ташкилот юқорида белгиланган жараённи амалга ошириш босқичларини ихтиёрий тарзда белгилайди. Шундай ҳолатлар бўлиб туриши мумкинки, ишни режалаштириш, бажариш ва алоқада бўлишнинг учта асосий босқичларигина келтирилган тегишли стандартлар асосида бир хил бўлади.

Режалаштириш жараёнида “Ички аудиторлар ҳар бир режани ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш жараёнларини, келишувнинг мақсадлари, кўлами, вақти ва ресурсларни тақсимлаш” стандарти (ИАИ стандарти: 2200: Ишни режалаштириш) бўйича юритиши керак.

“Ички аудиторлар мақсадлари, иш кўлами, масъулиятлари ва бошқа талабларини мижозларга хабар берган ва келишган ҳолда белгилаши зарур” (Стандарт 2201.ИА). “Ички аудиторлар белгилаб олган иш кўлами корхонада кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини эътиборга олиши зарур” (стандарт 2220.ИА). “Кўрсатиладиган хизматлар учун иш-режа дастурлари мажбуриятнинг хусусияти, шакл ва мазмунга қараб фарқли бўлиши мумкин” (стандарт 2240.ИА).

Ишни бажаришда “Ички аудиторлар белгиланиб олинган мақсадларига эришиш учун етарли ахборотни идентификация қилиши, таҳлил қилиши, баҳолаши ва ҳужжатларни расмийлаштиришлари” керак (ИАИ стандарти 2300: Ишни бажариш). Ахборот берувчи далиллар мажбуриятнинг хусусияти каби ички аудит жараёнларининг муддат миқдори ва ишни қай даражада бажара олиш қобилиятига кўра белгиланган, таҳлил қилинган, баҳоланадиган ва ҳужжатлаштирилган турларга бўлинади.

Натижаларни етказишда “Ички аудиторлар эришилган натижаларни етказиб беришга мажбурдирлар” (ИАИ стандарти: 2400: Алоқа натижалари). “Натижа иш режа, хулосалар ва тавсияларни ўз ичига олиши керак” (ИАИ стандарти 2410: Алоқа учун критериялар). “Жараён ҳақида оддий хабар ва хизмат кўрсатишнинг натижалари мижознинг эҳтиёжи ва талабига биноан шакл ва хулосада фарқланади” (Стандарт 2410.ИА1). Мижоз талаби асосида, маълум муаммо доираси олиб борилган ва тақдим етилган хизмат кўрсатиш натижалари оддий ёрдам бериш маслаҳат беришдан фарқ қилади.

Хулосада эса ички аудиторлар бошқарув қарорларига мўлжалланган ёки ишлаб чиқариш жараёнига мўлжалланган икки хил хизмат турларини тақдим қилишади: ишончли хизматлар ва консултация хизматлари.

Ҳар иккала турдаги хизмат кўрсатиш жараёни режалаштириш, ижро этиш ва мулоқот қилиш каби уч асосий босқични ўз ичига олади. Яъни улар текширув билан ўзаро таъсири натижасида амалга оширилади. Мажбуриятларнинг моҳияти ва кўлами ички аудит талаблари асосида белгиланади ва жараённинг бошланишидан тортиб то келишувга нисбатан одатий бўлиши талаб этилади. Яъни, ҳар бир маслаҳатлашувнинг ҳолати ва кўлами ички аудит талаби ва мижоз томонидан биргаликда белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, ички аудит хизмати қуйидаги ҳолларда бошқарув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади:

-кенгаш режалаштираётган бошқарув йўналишларини ва фаолият натижаларини олдиндан кўра билиши;

-ички аудит хизмати раҳбариятга тақдим этиладиган маълумотлар йўналишини кўра билиши.

Бундан ташқари, ички аудит хизмати бошқарувнинг корхона фаолиятидаги ролини тўлиқ англаб етиши, бошқарувнинг рискларни бошқариш дастурини қўллаб, қувватлаши зарур.

Ички аудит хизмати фаолияти давомидаги ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, рискларни бошқариш дастурини тузилишига ва чегараларини белгилашга ёрдам бериши керак.

Ички аудит хизмати бошқарувчилар ёки ходимларни рискларни олдини олиш ва назорат қилиш бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари учун ёрдам бериши лозим.

Умуман олганда ички аудит хизмати ёрдамида корхона фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рисклар баҳоланиши зарур.

Доимий назорат бўйича маълумотлар расмий (масалан, рискларни бошқариш бўйича кенгаш билан) ёки норасмий (масалан, доимий муҳокамалар раҳбарият билан) тақдим этиб борилиши керак.

Бошқарув жараёнини такомиллаштириш бўйича ички аудит режасини ишлаб чиқиш, раҳбариятга ва юқори турувчи органларга ишончли маълумот бериш ва рискларни бошқариш имконини беради.

Юқорида келтирилганлардан шу нарса аён бўладики, бошқарув бу мисли кўрилмаган даражада кенг тушунчадир.


Дунёга машҳур компаниялар ўз веб сайтларига ўзларининг бошқариш принципларини жойлаштиришган, бу эса уларнинг муваффақиятга эришишига сабаб бўлган. Ушбу веб сайтларни ўрганиб чиққан иқтисодчиларда, бухгалтерларда, аудиторларда, сармоядорларда, ташқи ва ички фойдаланувчиларда бошқарувга нисбатан аниқ фикрлар шаклланиб борганлиги аҳамиятлидир. Ҳар бир корхона бошқарув шакли қандай бўлишидан қатъий назар, бошқарув жараёнида ички аудитнинг ўрнини юқори даражада ташкил этилишига имконият яратиб беришади. 1- чизмада ички аудитнинг ушбу аҳамиятли томонлари тасвирланган.

**БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИЧКИ АУДИТ
ХИЗМАТИНИНГ 10 ТА АҲАМИЯТЛИ ТОМОНЛАРИ:**

1. Амалиётдаги етакчи тажрибага асосланган ҳолда жорий бошқарув дастурини такомиллаштириш учун таклифлар бериш;
2. Аудит мезонлари ва бошқа низомларга мувофиқ маслаҳатлар бериш;
3. Корхона фаолиятида юзага келган муаммоли масалалар юзасидан кенгашга ва унинг аъзолари муҳокамасига тақдим этиладиган баённомаларнинг ўринли ва мақсадга мувофиқлиги бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини тайёрлаш;
4. Кенгаш йиғилишларини ўтказиш учун ишончли ва тўлиқ маълумотлар тайёрлаш;
5. Кун тартибидаги масалаларни тузиб чиқиш ва ўз вақтида муҳокамага киритилишини таъминлаш;
6. Кенгаш ва унинг аъзоларига самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарурий барча ахборотларни етказиш ва уларнинг шаффофлигини таъминлаш;
7. Кенгаш ва унинг аъзолари ўз фаолиятларини баҳолаш жараёнини енгиллаштиришга доир ҳар томонлама кўмак бериш;
8. Кузатув кенгашига корхона ички аудит хизмати фаолиятини, шу жумладан, унинг мустақиллиги, малакасини етарлилиги ва ахборотларнинг тўлиқлиги бўйича маълумотлар бериш;
9. Бошқарув ва кенгаш аъзоларига амалиётда юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва уларни бартараф этиш бўйича материаллар тайёрлаш;
10. Мустақил ташқи аудиторлар фаолиятини кузатиб бориш ва уларнинг иш самарадорлигини баҳолаб, кенгашга шу тўғрисида маълумот тайёрлаш.

Корхоналар самарали бошқарув тизимини ташкил этишга ҳамда рискларни бошқаришга аҳамият берган ҳолда эътиборини қаратмоғи лозим. Корхона фаолиятига оид рискларни бошқариш корхона бошқарув тизимини ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Ушбу тизим изчиллигини таъминлаш учун корхоналарда ички назорат доимий амалга оширилиши керак. 2-чизмада бошқарувнинг асосий 3 элементи тасвирланган

БОШҚАРУВНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАВСИФИ

Бошқарув корхона раҳбарияти, директорлар кенгаши ва бошқа фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалайди. Корхонанинг бошқарув органи корхона ҳисоботларининг фойдаланувчиларини керакли маълумотларни ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаши керак. Шунинг учун корхонанинг бошқаруви ўз йўналишини аниқ белгилаб олиши, корхонанинг истиқболдаги режаларини белгилашда ўз таклифларини бериши, корхонанинг фаолиятини чегараларини белгилаб олиши ҳамда корхона раҳбариятига тегишли тартибда тақдим этиши керак.

Корхона раҳбарияти корхона фаолиятидаги юзага келиши мумкин бўлган рискларни бошқарувини йўлга қўяди. Корхонада рискларни юқори даражада ташкил этилмаган тақдирда, корхонани юқори турувчи органи томонидан ўз вақтида назоратга олиниши, зарур чораларни кўриши ва рискларни бошқаришни юқори савияда амалга ошириши керак. Хуллас, ички ва ташқи томонлар, хусусан, корхонанинг ваколатли органлари корхонада рискларни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун тегишли чора -тадбирларни амалга оширадilar.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарувда ички аудитнинг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Kurt F. Reading., Paul J. Sobel., Internal Auditing; assurance and advisory services// the ПА Research Foundation 2013. 11-5
2. Попова Л.В. Корхоналар ҳисоб ва аналитик тизимида аудиторлик амалларнинг роли // Аудиторские ведомости. - 2015. - № 4. - С. 37-45.
3. Зубкова С.В. Тижорат банкларининг стратегик ривожлантиришда ички аудитнинг роли // Москва, Журнал «Деньги и кредит», № 2, 2017.
4. Ефимов, В. В. Ички аудит сифати ва корхоналар ўзини-ўзи баҳолаш: ўқув қўлланма / В. В. Ефимов, А. Н. Туманова. — Ульяновск: УлГТУ, 2007. — 123 б.